

Севара КЕНЖАЕВА

# КҮКЛАМ ЁМФИРИ

MAJBURIY NUSXA

Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2013

84(59)7 - Чжб.араб.

УЎК Ўз.2

КБК 84 (5Ўзб)-3

К 38

Еш қаламкаш Севара Кенжаева  
шеърият бўстонига эндиғина қадам  
босаётган умидли ёшларимиз вакилидир.

Ижоднинг мاشаққатли ва масъулиятли  
йўлларида унга сабр-матонат, ўқиш,  
ўрганиш доимо ҳамроҳ бўлсин.

Н 41401  
0

2013/01	Alisher Navoiy
A	nomidagi
6765	O'zbekiston MK

К 4702620202-27 27-2013

376 (04) 2013



С. Кенжаева, 2013 й.



«Насаф» нашриёти, 2013 й.

ISBN 978-9943-18-130-4

## ШЕР БИЛАН ЧУМОЛИ

Бор экан-у, йўқ экан,  
Оч экан-у, тўқ экан.  
Қадим ўтган замонда,  
Олис бир юрт томонда.  
Каттагина ўрмонда,  
Шер бор экан мактанчок.  
Гердайиб юрган ҳар чоқ.  
Ҳеч кимни писанд қилмас,  
Бирордан кам деб билмас.  
Беллашувга чорлар у,  
Йигар барча ўрмонни.  
Ҳеч бир ҳайвон келмаскан,  
Юраги дов бермаскан.  
Ўтаётиб у сари,  
Гапнинг нималигин.  
Билмай қолди чумоли,  
Тушунмасдан у гапга.  
Аралашди сұхбатга,  
Шер дер: Мард борми, қани?  
Шунда дебди чумоли.  
Сен билан беллашаман,  
Керак бўлса синашаман.  
Буни эшишибон шер,  
Хандон отиб қулибди.  
Сен-чи чумоли, менга,  
Тенг бўласанми дебди.  
Чумоли сўзидан қайтмас,  
Шердан бўлса ҳеч қўрқмас.  
Шер-ла беллашув бошлар,  
Доим олға интилар.

Шер дебди: Айт ниятинг,  
Бажараман мен шартинг.  
Мард деб билиб ўзини,  
Чумоли бошлар сўзини.  
Вазнга тенг бўлган юкни,  
Кўтарайлик икковлон.  
Бор шартинг шуми ҳали,  
Борайлик хўп сен сари.  
Юк тишда кўтариб,  
Зарб билан ерга қўйиб.  
Яна қандай шартинг бор,  
Бошла мен бунга тайёр.  
Шунда дебди чумоли,  
Юкни вазни ўзгаради.  
Кучлар энди тезланади,  
Шер бу шартга кўнибди.  
Кўзлар қонга тўлибди,  
Шартни бажармоқ учун.  
Сарфлабди у бор кучин,  
Аммо эплай олмабди.  
Энди мағрур бўлмабди,  
Ўрмон аҳли қулибди.  
Шер уялиб қолибди,  
Энди сира мақтанмас.  
Ҳеч кимга озор бермас,  
Дерлар ҳеч ҳам мақтанма.  
Ўзингни мард деб билма,  
Сен ҳам шердайин бўлиб.  
Кейин ўйланиб қолма,  
Халқда бордир бир ҳикмат.  
Мақтангандаги кетар ҳурмат.

## БАХОР ЯҚИН, БАХОР ЯҚИН, ДҮСТАЛАРИМ

Уфқдан аста бош күтарар қүёш,  
Хұрсанд бўлар бундан барча ёш.  
Тоғлар тўкар маржон-маржон тош,  
Баҳор яқин, баҳор яқин, дўстларим.

Ниҳолчалар ўсади қувнаб,  
Боғ-у роғлар кетади яшнаб.  
Юртимизга гуллар қўшади чирой,  
Баҳор яқин, баҳор яқин, дўстларим.

Ёш-у қари хурсанд бўлади,  
Шоҳда булбул қувнаб сайрайди.  
Ҳамма шодон ўйнаб қулади,  
Баҳор яқин, баҳор яқин, дўстларим.

Қалдирғочлар келади учиб,  
Ер-у осмонни бирдайин қучиб.  
Бойчечак кўтарар ердан бошини,  
Баҳор яқин, баҳор яқин, дўстларим.

Боғда боғбон гул экар териб,  
Ҳар ниҳолга ўз меҳрин бериб.  
Деҳқон бобом ишлар тер тўкиб,  
Баҳор яқин, баҳор яқин, дўстларим.

Ерларга тўшалди ям-яшил гилам,  
Булут ҳам шошилиб елар жуда ҳам.  
Орзиқиб кутадиган келади фасл,  
Баҳор яқин, баҳор яқин, дўстларим.

## ДУО ҚИЛИНГ, БУВИЖОН

Оиламизда тинчлик бўлсин,  
Ҳамма шодон ўйнаб кулсин.  
Ҳеч ким қайғу чекмасин,  
Дуо қилинг, бувижон.

Осмонда порлайди юлдузимиз,  
Тинч ўтсин ҳар бир кунимиз.  
Гулласин обод диёримиз,  
Дуо қилинг, бувижон.

Мен ҳам орзумга етай,  
Бобомдек устоз бўлай.  
Сизга мен суюнч бўлай.  
Дуо қилинг, бувижон.

Мени кутар улкан зафарлар,  
Қанча-қанча оғир синовлар.  
Дуонгиз менга ёр бўлгай,  
Дуо қилинг, бувижон.

Дуоларингиз дунёни асрайди,  
Юртимиз шундан яшнайди.  
Набирангиз сизни жондан севади,  
Дуо қилинг, бувижон.

## БУ НАВРҮЗДАН БЕРАР ДАРАК

Баҳор келиб юртимга,  
Қуёш нур сочади ўлкамга.  
Гул тақаман сочимга,  
Бу наврӯздан берар дарак.

Дошқозонда қайнар сумалак,  
Бу баҳордан берар дарак.  
Кўкда қушлар парвоз қилар,  
Бу наврӯздан берар дарак.

Тоғда қорлар эрий бошлар,  
Жилғалар ҳам тўлиб тошар.  
Бундан хурсанд барча ёшлар,  
Бу наврӯздан берар дарак.

Байрамларга кон бу фасл,  
Ҳамма шодон қувнар аҳил.  
Шамол шошиб елар ахир,  
Бу наврӯздан берар дарак.

## ЎЗБЕГИМНИНГ ҚИЗЛАРИГА

Мадҳ айлайсиз шўх иболи сўзларига,  
Тан берасиз ўзбегимнинг қизларига.  
Лол қоласиз ширин сухан сўзларига,  
Кулганида, ўзбегимнинг қизларига.

Зулфиядек бўлиш улар орзулари,  
Нодира-ю Увайсийнинг авлодлари.  
Асал каби ёқар уларнинг сўзлари,  
Тан берасиз ўзбегимнинг қизларига.

Зўхро юлдуз бўлиб порлар кўкда улар,  
Ҳаммага тенг ширинсухан, меҳрибондир.  
Юртимнинг келажаги нурга тўлар,  
Толе кулса ўзбегимнинг қизларига.

Бу қизларга қанча шеър битсангиз кам,  
Қоматлари гўзалликда тенгсиз кўркам.  
Шоирлар назмида кўрган эҳтиром,  
Тан берасиз ўзбегимнинг қизларига.

### КЎКЛАМ ЁМФИРИ

Кўм-кўк дала ҳусн очар,  
Юртга гўзал чирой қўшар.  
Дехқон бобом хурсанд бўлар,  
Ёққанида кўклам ёмфири.

Ниҳолчалар юзин ювади,  
Дараҳтлар чангин қувади.  
Шамол ҳамон шошиб елади,  
Ёққанида кўклам ёмфири.

Уни дерлар кут барака элчиси,  
Баҳорнинг шодон, уйғун кулгучи.  
Янграйди қушларнинг гўзал навоси,  
Ёққанида кўклам ёмфири.

Осмонда турар малак,  
Уни дерлар камалак.  
Юртим яшнаб кетади,  
Ёққанида кўклам ёмфири.

## ЮРТИМ КУНДАН-КУНГА ОЧМОҚДА ЧИРОЙ

Кўқда порлайди юлдуз бирлан-ой,  
Кириб келмоқда юртга баҳорой.  
Юртим менинг гўзалликка бой,  
Юртим кундан-кунга очмоқда чирой.

Осмонўпар тоғлари бор жуда кўркам,  
Гўзалликка бойдир менинг нурли ўлкам.  
Боғларида очилиб гуллари кўркам,  
Юртим кундан-кунга очмоқда чирой.

Гўзал иморатлар қад ростлаган бу,  
Тенги йўқдир юртим бутун дунёда.  
Диёрим менинг юртлар ичра зиёда,  
Юртим кундан-кунга очмоқда чирой.

Мевалари бор ширин шарбатли,  
Тоғлари бор жуда ҳайботли.  
Инсонлари борки заҳматли,  
Юртим кундан-кунга очмоқда чирой.

## СУМАЛАКДИР ЕТТИ МАЛАК

Дошқозонда қайнар сумалак,  
Хұрсанд бүлар ёшу кексалар.  
Бу наврүздан беради дарак,  
Сумалакдир етти малак.

Атрофіда жам бўлишиб болалар,  
Айтарлар қўшиғ-у яллалар.  
Хұрсанд бўлиб сайрап булбуллар,  
Сумалакдир етти малак.

Мазали-ю тотли бўлар,  
Юртимга гўзаллик мангу ярашар.  
Уни есанг кўнглинг тўлар,  
Сумалакдир етти малак.

Дошқозоннинг бошида туриб,  
Эзгу ният қиласди барча.  
Юртга тинчлик тилар кекса-ёш,  
Сумалакдир етти малак.

## ҲОРМАНГ ЭНДИ, ДЕХҚОН БОБОМ

Қуёш нурин сочмоқда,  
Дараҳт куртак очмоқда.  
Деҳқон далага кетмоқда,  
Ҳорманг энди, деҳқон бобом.

Боғда булбул сайрайди,  
Гул очилиб яшнайди.  
Деҳқон ишин бошлайди,  
Ҳорманг энди, деҳқон бобом.

Далага хүсн қүшар дөхкон,  
Тиним билмас ҳатто боғбон.  
Юртим яшнагайдир ҳар замон,  
Хорманг энди, дөхкон бобом.

Күркам қилдингиз ҳовли боғларни,  
Яшнатдингиз нурли тоғларни.  
Обод этиб ер-ү заминни,  
Хорманг энди, дөхкон бобом.

### ЮРТИМИЗГА БАХОР ЯҚИН

Дарёлардан сув шарқираб оқар,  
Қушларнинг овози күнгилга ёқар.  
Дошқозонда сумалак қайнар,  
Юртимиизга баҳор яқин, баҳорой.

Бойчечак кўтарар аста бошини,  
Қуёш замин узра улашар нурин.  
Юртим кундан-кунга очар чирой,  
Юртимиизга баҳор яқин, баҳорой.

Қалдирғочлар парвоз этади,  
Бизларга қувонч улашар.  
Ҳар бир инсонга кулгу ярашар,  
Юртимиизга баҳор яқин, баҳорой.

Дараҳтлар очмоқда майнин куртаклар,  
Үйғонмоқда гўзал чечаклар.  
Бобом айтар турли эртаклар,  
Юртимиизга баҳор яқин, баҳорой.

Наргис, бинафша, атиргуллар,  
Түрли рангда товланар үлар.  
Момом айтар түрли яллалар,  
Юртимизга баҳор яқин, баҳорай.

Ям-яшил бўлар далалар,  
Тоғларда очилгай лолалар.  
Қувнаб ўсар шодон болалар,  
Юртимизга баҳор яқин, баҳорай.

## БИЗ КЕЛАЖАК ЁШЛАРИДИРМИЗ

Улғайиб ўсяпмиз шод қувноқ,  
Бизнинг бурчимиз билим олмоқ.  
Юртимизга муносиб бўлмоқ,  
Биз келажак ёшларирирмиз.

Гулласин доимо диёrimiz,  
Қувноқ ўтар ҳар бир кунимиз.  
Юртга муносиб бўлиш орзумиз,  
Биз келажак ёшларирирмиз.

Ватан ягона, Ватан биттадур,  
Шудир бизнинг улкан шиоримиз.  
Орзумизга етиш сари интиламиз,  
Биз келажак ёшларирирмиз.

Барча имконият бизларда,  
Фаровон ўғил-у қизларда.  
Гулласин обод диёrimiz,  
Биз келажак ёшларирирмиз.

## ҚАНИ ЭНДИ ОРЗУМГА ЕТСАМ

Жажжи болаларга таълимлар берсам,  
Мурғак қалбларида меҳр уйғотсам.  
Ватаним олдида бурчим оқласам,  
Қани энди орзумга етсам.

Меҳр билан боқсам ҳар бир болага,  
Таълим берсам мен ҳам комил авлодга.  
Бобомдек оқила, зўр устоз бўлсам,  
Қани энди орзумга етсам.

Гуллатсам, яшнатсам меҳр боғини,  
Барча ёш авлоднинг илм ўчогини.  
Юртимга муносиб мен устоз бўлсам,  
Қани энди орзумга етсам.

## ВАТАН, МЕНИНГ ҚЎРҒОНИМСАН

Ватан, ўзинг ягонамсан,  
Мағрур турган осто намсан.  
Гуллаб турган чаманзорсан,  
Ватан, менинг қўрғонимсан.

Сен ҳаммага teng маконсан,  
Булбулларга ҳам ошёнсан.  
Халқимнинг суюнган нурли тоғисан,  
Ватан, менинг қўрғонимсан.

Ҳар бир юракларда мангу яшайсан,  
Ўзбек халқим яшаб турган маконсан.  
Келажаги порлаб турган маконсан,  
Ватан, менинг қўрғонимсан.

## ГҮЗАЛ МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Тинчdir ҳар бир оилалари,  
Ўсмоқдадир болалари.  
Бўй кўтарар ниҳоллари,  
Гўзал менинг маҳаллам.

Қушлар баланд парвоз этар,  
Боғда булбул майин сайрап.  
Доим тинчлик куйин кўйлар,  
Гўзал менинг маҳаллам.

Ҳар бир ишда жам бўлишар,  
Меҳнат учун бел боғлашар.  
Катта-кичик ҳурмат қиласар,  
Гўзал менинг маҳаллам.

Момоларим бўлсин дуода,  
Инсонлари қўли кўксида.  
Тинчлик сўзи улар куйида,  
Гўзал менинг маҳаллам.

Баланд тоғлар кўриниб турадар,  
Маҳалламга чиройин қўшар.  
Дарёсидан сувлар оқар,  
Гўзал менинг маҳаллам.

Бағрингда мен ўсяпман,  
Сенга шеърлар битяпман.  
Албат номингни битяпман,  
Гўзал менинг маҳаллам.

## ЖОНАЖОН МАКТАБИМСАН

Сен томон интилар юрак,  
Үқишидир бирдан-бир тилак.  
Аъло ўқиш бурчимиз,  
Жонажон мактабимсан.

Гул очилар боғингда,  
Кулгу янграр бағрингда.  
Болаларинг шўх-шодон,  
Жонажон мактабимсан.

Билимга кон маконсан,  
Ҳаммага кенг ошёнсан.  
Илм олдим бағрингда,  
Жонажон мактабимсан.

Устозларинг меҳнаткаш,  
Билимга бой жафокаш.  
Тиним билмас эрта кеч,  
Жонажон мактабимсан.

Мактаб азиз қўргонсан,  
Бизга доим боғонсан.  
Билимга кон маконсан,  
Жонажон мактабимсан.

Мактаб, илм ўчоғисан,  
Устозларим маконисан.  
Менинг билим даргоҳимсан,  
Жонажон мактабимсан.

## КҮКЛАМ ЎЗИН СЕПИН ЁЙДИ

Ям-яшил бўлди далалар,  
Очилди тоғларда ифорли гуллар.  
Қувнокдир барча болалар,  
Кўклам ўзин сепин ёйди.

Дараҳтлар куртак очмоқда,  
Қуёш ҳам нурин сочмоқда.  
Қушлар сайрар баланд шоҳларда,  
Кўклам ўзин сепин ёйди.

Чучмомо баҳор элчиси,  
Қалдирғоч унинг кўйчиси.  
Боғлардачи гул очилмоқда,  
Кўклам ўзин сепин ёйди.

Келар баҳорнинг ҳавоси,  
Қушларнинг шўх-шўх навоси.  
Чарақлайди нур қуёши,  
Кўклам ўзин сепин ёйди.

Қозонда қайнар сумалак,  
Бу наврўздан берар дарак.  
Очилмоқда бойчечак,  
Кўклам ўзин сепин ёйди.

## ИЛК САБОҚНИ БЕРГАН УСТОЗИМ

Эркалатиб қўлимдан тутган,  
Бизга доим меҳрибон бўлган.  
Ўқиш ва ёзиш илмин ўтгатган,  
Илк сабоқни берган устозим.

Ўқувчим, ўз болам, деб эркалаган,  
Бизларга, юракка меҳрини солган.  
Илк бора қўлларга қалам тутқазган,  
Илк сабоқни берган устозим.

Мактабга бормасдан бетоб бўлганда,  
Онамдек бошимда мағрур турганда.  
Ширин сўз билан дардимиз олган,  
Илк сабоқни берган устозим.

Биз шодлансан, доим шодланган,  
Алифбони бизга ўргатган.  
Сўзларида маъно мужассам,  
Илк сабоқни берган устозим.

Ҳар дам чақнаб турар кўзлари,  
Доим бизга ёқар болдек сўзлари.  
“Билимли бўл”- насиҳатда ўзлари,  
Илк сабоқни берган устозим.

Устозимдир йўлчи юлдузимиз,  
Порлаб турган илк бор қуёшим.  
Қабул этинг менинг таъзимим,  
Илк сабоқни берган устозим.

## ЯГОНАМСАН, МУҚАДДАССАН, ВАТАНИМ

Узоққа кетсам сени эслайман,  
Тупроғинг исини ҳар он құмсайман.  
Сен учун меҳрим ўзгачадир ҳар дам,  
Ягонамсан, муқаддассан, ватаним.

Доимо болаларинг шўх ва шодон,  
Ҳар кўчаларинг кенг ва фаровондир.  
Хушчакчақ инсонларинг меҳрибондир,  
Ягонамсан, муқаддассан, ватаним.

Боғларингда сайрап шўх бўлбулларинг,  
Бағри кенгдир, меҳнаткаш инсонларинг.  
Хушбўйдир доим гул-у райхонларинг,  
Ягонамсан, муқаддассан, ватаним.

Сенинг доим боғ-роғларинг гўзалдир,  
Олма анорларинг бол-у асалдир.  
Сенинг бағринг обод ва кенг макондир,  
Ягонамсан, муқаддассан, ватаним.

## ЮРТИМ ҚАЛҚОНИДИР ЎШАЛ ЙИГИТЛАР

Дилларда олов ўти чақнайди,  
Үләр ила юрт тинчлиги яшнайди  
Элим ор номуси ботир ўғлонлар,  
Юртим қалқонидир ўшал йигитлар.

Тинчликни кўнглига жо айлайдилар,  
Юрт ишига доим бел боғлайдилар.  
Доим эзгуликка чоғланадилар,  
Юртим қалқонидир ўшал йигитлар.

Чегарачи аскар юртим посбони,  
Улар эзур Ватанимнинг қалқони.  
Даим марду жасурдирлар улар,  
Юртим қалқонидир ўшал йигитлар.

Қадамидан доимо ўт чақнайди,  
Ватан олдидаги бурчин оқлади.  
Халқи учун жонларини берарлар,  
Юртим қалқонидир ўшал йигитлар.

Элу юртнинг тинчлиги учун,  
Сарф қиласлар бор кучин.  
Чегарада доим сергак турарлар,  
Юртим қалқонидир ўшал йигитлар.

### ХУРСАНД ОТА-ОНАМИЗ

Доим бизлар соғ бўлсак,  
Юрт ишига шай турсак.  
Уларни хурмат қилсак,  
Хурсанд ота-онамиз.

Ўқисак-у илм олсак,  
Доим олдинга юрсак.  
Кучли бақувват юрсак,  
Хурсанд ота-онамиз.

Ишласак чарчамасдан,  
Ҳеч ялқовлик қилмасдан.  
Турсак қуёш чиқмасдан,  
Хурсанд ота-онамиз.

Доим мақтов эшитсак,  
Уларга суюнч бўлсак.  
Ёмон кунда ёндошсак,  
Хурсанд ота-онамиз.

## МЕНИНГ ЎЛКАМ

Дарёсидан оқади шаркираб сувлар,  
Боғларида сайрайди шўх-шўх булбуллар.  
Тоғларида эсади илиқ шамоллар,  
Гўзалликка мангу бой менинг ўлкам.

Булат сузиб юрар кенг осмонида,  
Турли қушлар қанот ёзар самосида.  
Хушбўй гуллар очилгай кенг боғида,  
Гўзалликка мангу бой менинг ўлкам.

Бу дунёда тенги йўқ менинг ўлкам,  
Тоғлари-ю боғлари нурли кўркам.  
Ўзга юрт ҳаваси келар жуда ҳам,  
Гўзалликка мангу бой менинг ўлкам.

Чарақлайди осмонида қуёши,  
Нур сочади самодаги йўлдоши.  
Баҳра олиб бунда кекса -ю ёши,  
Гўзалликка мангу бой менинг ўлкам.

## ДАДАЖОНИМСИЗ

Сўзингиздан доим бол томар,  
Юзингиздан ҳар дам нур ёғар.  
Сизга доим таъзимдадурман,  
Мехрибоним дадажонимсиз.

Сиз борсизки кўнгиллар ҳам чоғ,  
Сиз туфайли баҳтиёрдирмиз.  
Сиз учун берадурмиз жон,  
Мехрибоним дадажонимсиз.

Бизларга сиз уқтириб доим,  
Ҳаётнинг ул машаққатларин.

Сизни доим ҳурмат қиласиз,  
Мехрибоним дадажонимсиз.

Доим баҳтли бўлинг дедингиз,  
Бизнинг ғамимизни едингиз.  
Ҳа не яхши бизга бердингиз.  
Мехрибоним дадажонимсиз.

## ЎЗБЕКИСТОН

Мен туғилган ҳур гулистон,  
Яшнаб турган боғ-у бўстон.  
Қуёшлидир юртим менинг,  
Порлайвергин, Ўзбекистон.

Сенда кўпdir миллатларинг,  
Ҳар хил ирқ-у элатларинг.  
Иноқ бўлсин одамларинг,  
Бахтимдирсан, Ўзбекистон.

Сен тинчликнинг тарафдори,  
Халқимизнинг ифтихори.  
Яшнайвергин доим сен,  
Тахтимдирсан, Ўзбекистон.

## ОПАЖОНИМ

Доим ёнимда бўлган,  
Ранжисам кўнглим олган.  
Тўғри йўлга бошлаган,  
Мехрибондир опажоним.

Билмаганим ўргатган,  
Тўғри сўзни сўзлатган.  
Менга қўлқанот бўлган,  
Мехрибондир опажоним.

## ҚИШЛОГИМ ОДАМЛАРИ

Доим улар иноқдир,  
Бирдамликда ўртоқдир.  
Соддадил меҳнаткашдир,  
Қишлоғим одамлари.

Йиглашса бизга йиглаб,  
Хатто бизга куларлар.  
Доим юртимиз учун,  
Қишлоғим одамлари.

Үйлари тор бўлсада,  
Кўнгиллари кенг доим.  
Мехмонни хурмат қиласар,  
Қишлоғим одамлари.

Қозонда борин солар,  
Меҳрини сизга берар.  
Тозадир кўнгиллари,  
Қишлоғим одамлари.

## ЮРТИМ ТАБИАТИ ГЎЗАЛ

Шифобахшдир сувлари,  
Тотлидир мевалари.  
Меҳнаткаш одамлари,  
Юртим табиати гўзал.

Сўлимдир ҳар гўшаси,  
Сокин бўлар кечаси.  
Нур сочади қуёши,  
Юртим табиати гўзал.

Масжид-у мадрасалар,  
Қад кўтарган бу ерда.  
Донғи кетган оламга,  
Юртим табиати гўзал.

## МУНДАРИЖА

Шер билан чумоли.....	3
Баҳор яқин, баҳор яқин, дўстларим.....	5
Дуо қилинг, бувижон.....	6
Бу наврӯздан берар дарак.....	7
Ўзбегимнинг қизларига.....	7
Кўклам ёмғири.....	8
Юртим кундан-кунга очмоқда чирой.....	9
Сумалакдир етти малак.....	10
Хорманг энди, деҳқон бобом.....	10
Юртимизга баҳор яқин.....	11
Биз келажак ёшлари дирмиз.....	12
Қани энди орзумга етсам.....	13
Ватан, менинг кўргонимсан.....	13
Гўзал менинг маҳаллам.....	14
Жонажон мактабимсан.....	15
Кўклам ўзин сепин ёйди.....	16
Илк сабоқни берган устозим.....	17
Ягонамсан, муқаддассан, Ватаним.....	18
Юртим қалқонидир ўшал йигитлар.....	18
Хурсанд ота-онамиз.....	19
Менинг ўлкам.....	20
Дадажонимсиз.....	20
Ўзбекистон.....	21
Опажоним.....	21
Қишлоғим одамлари.....	22
Юртим табиати гўзал.....	22

# **АДАБИЙ - БАДИЙ НАШР**

**Севара КЕНЖАЕВА**

**КҮКЛАМ ЁМФИРИ**

Мухаррир: Ю. Зиёдов.

Техник мухаррир: Ч.Раҳмонов.

Мусаххих: Ю. Зиёдов.

Саҳифаловчи: Ш.Алишер қизи.

Нашриёт лицензия № АI 139, 27.04.2009 йил.  
Теришга 04. 03. 2013 йилда берилди. Босишга  
11. 04. 2013 йилда рұхсат этилди. Бичими 84x108 <sub>1/32</sub>.  
Офсет қоғози. FUT TAD гарнитураси. Офсет усулда  
чоп этилди. Шартли босма табоги 1,26. Нашр  
босма табоги 0,74. 25-2013-шартнома. 18 - буюртма.  
125 нұсқада. 24 бет. Эркін нархда.

«Насаф» нашриёти, 180118, Қарши шаҳри,  
Мустақиллик шоҳкӯчаси, 22-үй.

«Қаршиполиграфнашр» МЧЖда чоп этилди.  
180118, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкӯчаси,  
22-үй.